

Умра зиёратига борувчилар энди 14 кун кутмайдилар



14:57 / 26.10.2021 1986

Саудия Арабистони Ҳаж ва умра вазирлигининг маълум қилишича, эндиликда умра зиёратига боришни хоҳловчи мусулмонлар аввалгидек рўйхатга ёзилиш учун 14 кун кутишлари шарт эмас. Бу ҳақда haj.gov.sa сайти хабар берди.

Вазирликнинг режалаштириш ва стратегия бўлими бошлиғи Амир Мадданинг айтишича, коронавирус туфайли жорий этилган профилактик тадбирларнинг юмшатилиши натижасида умра зиёратига келувчилар учун кенг имкониятлар эшиги очилапти.